

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕВОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 86 (65962)  
1996 йил, 20 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

Сиз суратда куриб турган қизлар Тошкентдаги 224-мактабда ўқишади. Физика фанига қизиқишади. Дарсдан буш вақтларида физика хонасида турли хил тажрибалар ўтказишади. Мақсад билимларни мустақамлаш, олтин дамлар кадрини англаш.

Суратда: (чапдан) Дилдора Обидова, Шаҳноза Саидова, Гулноза Иброҳимова навбатдаги тажриба олдидан.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.



Мана, таътидан қайтиб, иккинчи чоракни ҳам бошлаб юбордик. Аммо таътилимиз ҳеч ҳам зое кетгани йўқ. Буш вақтларимиздан фойдаланиб, синфдошларимиз билан турмушимиздаги маданият булимига қарашли кутубхонага доимий қатнаб турдик. У ерда узимизни қизиқтирган адабиётларни олиб ўқидик. Кутубхонада ўтказилган тадбирларда иштирок этдик. Соҳибқирон Амир Темур туғилган куннинг 660 йиллигига бағишлаб «Темур ҳақида ким қуп билади?», «Етти иқлим соҳибқирони», «Маҳалламиз болалари» мавзуларида ўтказилган учрашувлар айниқса қизиқ бўлди. Ўқиган адабиётларимиз, узимиз ёқтирган ёзувчи ва шоирлар ҳақида эса кутубхоначи опаларимиз Феруза Раҳматова, Нодира Очилова, Муяссар Тураевалар билан ўртоқлашдик. Опаларимиз бизга баҳсбон мавзулар тайёрлаб беришди. Бу бизни эркин фикрлашга ургатди. Энди биз бемалол ўқиган китобларимиз устида тортишиб оламиз. Яқинда тасвирчи Жамшид ака Бобоев, услубдош

## КУТУБХОНА — НУРХОНА

опамиз Феруза Раҳматова сценарийлари асосида «Кутубхона саргузаштлари» номли бадиий-оммавий фильмни суратга олишди. Биз синфимиз билан бу фильмда қатнашдик. Фильмга кутубхонада ўтказилган турли учрашувлар ҳақидаги лавҳалар киритилди. Муסיқаларни унга ашула ўқитувчимиз Сайфулло Раҳматов тайёрлади. Фильм мактабдошларимизга ҳам жуда манзур бўлди. Уларни ҳам кутубхонага аъзо булишга, адабиёт, санъат асарлари билан доимо қизиқиб туришларига даъват этдик.

Лайло ТУРСУНОВА,  
Шаҳноза ЖУМАЕВА,  
Озод ХОТАМОВ,

Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 1-ўрта мактабнинг 8-«А» синф ўқувчилари.

### Шу сонга хабар

## ҲИММАТИНГИЗ УЧУН ТАШАККУР

Яқинда мактабимизда одатдан ташқари йиғилиш ўтказилди. Унда қурилган масала битта — у ҳам булса республикамизда қизгин давом этаётган вақтли матбуот нашрларига обуна эди. Тадбирда барча ўқувчилар, устозлар ҳам бизга обуна мавсумида ҳомийлик қилиш истагида бўлган фермер хужаликлари ходимлари иштирок этишди. Саховатли инсонлардан Бахтиёржон Турсунов 864 сум, Бозорвой Аноров 864 сум, Буз урмон хужалиги раҳбари Йўлчибой Турсунов 1440 сум ажратилди. Мактаб буйича эса 20 нафар газетхонлар «Тонг юлдузи» газетасига обуна булишди.

Биз юқоридан номлари тилга олинган маънавияти юксак саховатпеша инсонларга чин дилдан миннатдорчилик билдирамыз. Мактабда газета ва журналларга обуна булиш давом этмоқда.

**Яшаркул ДАВИДОВ,**  
Андижон вилояти,  
Бўз туманидаги  
«Галаба» номли  
9-мактаб директори.

Бугунги кунда бирор бир мактаб йўқки, бундан 5-10 йил аввалги шарт-шароитларидан фарқ қилмаса. Ушбу ҳолат халқ таълими соҳасида олиб борилаётган жиддий ислохотлар билан боғлиқ. Бу борада Бухоро вилояти, Гиждувон шаҳридаги мактаблар ҳақида гапириш арзирли ҳол. Шунга кура, шаҳар халқ таълими булими мудир, А. Авлоний номли ўқитувчилар малака ошириш марказий институти аспиранти Аббор Орипов билан суҳбатлашдик.

— Аббор ака, барчага маълумки, бугунги кунда мустақил юртимизда халқ таълими соҳасида туб ўзгаришлар ясалмоқда. Шунга кура, Гиждувон шаҳридаги бу ишлар нимадан бошлангани хусусида сўзлаб берсангиз.

— Асримиз юксак тараққий этган техника асри. Хоҳлаймизмий-йўқми, келажакимиз эгалари — эртанги авлод ҳаётини техника, компьютерларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биринчи навбатда шаҳримиздаги ҳар бир мактабда компьютер ва лингофон хоналарини очиб, керакли жиҳозлар билан таъминладик. Бундан ташқари мактабларимизда ижтимоий фанларни ўқитишга алоҳида аҳамият беришмиз. Хусусан, яқинда шаҳар мактаблари уртасида бўлиб ўтган ҳуқуқшуносликка оид курик-танловда ижтимоий фанлар интернати биринчи уринини эгаллади. Бугунги кунда ҳуқуқ-

## ИСТЕЪДОДГА БОЙДИР БУ ТУПРОҚ

тимиз томонидан иқтидорли болаларни топиш, уларни тарбиялаш ишларига эътибор тобора ортиб бораётгани барчага аён. Айни пайтда биз ҳам шаҳар мактаб ва боғчаларида психология кабинетларини ташкил этдик. Мақсадимиз — болалар қобилиятини аниқлаш ва уларни лозим бўлган йўналишга солишдик. Бу борада иқтидорли болаларни тарбиялаш учун репетиторлар мактабини ҳам ташкил этганмиз. Бу ерда шаҳримиздаги энг билимдон, уз касбининг устаси бўлган ўқитувчилар машғулотлар олиб боришади.

— Маънавият таълим-тарбиянинг асоси эканлигини биламыз. Шундай экан, бу борада ҳам лозим бўлган ишлар қилинаётгандир?

— Албатта, юксак маънавиятли инсонни камол топтириш асосий вазифамиз экан, таълим-тарбия жараёнида маънавиятга бағишланган тадбирлар доимо диққат марказида турмоғи шарт. Шунга кура «Маънавият ва маърифат» марказини ташкил этдик. Бу ерда маънавиятга оид турли тадбирлар, жумладан, олимлар, кекса педагоглар билан учрашувлар, суҳбатлар, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари ўтказилади. Лекин ана шулар билангина чегараланиб қолиш тўғрима. Тарбия ишларини янада самаралироқ йўлга қуйишда ен-атрофдаги 15 та маҳалла билан

биргаликда иш олиб борямыз. Бунда улар иштирокида ишлаб чиқилган «Мактаб-маҳалла-оила-жамоатчилик» дастури жуда қул келяпти.

— Болаларнинг ўқишдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказишда қандай ишлар амалган ошириляпти?

— Бугунги кунда шаҳримиз мактабларида тугаракларнинг 72 тури мунтазам фаолият курсатмоқда. Сунгги пайтларда уларни йўналишларига бирмунча ўзгаришлар киритилди. Айни пайтларда компьютер, радиотехника, авиамоделль, миллий кулолчилик, ганч уймакорлиги, зардузлик, патдузлик тугараклари ҳам киритилиб, уларда 3000 га яқин ўқувчи шуғулланмоқда. Спортнинг 18 турига эса 740 бола жалб этилган. Бундан ташқари ўқувчиларда меҳнатсеварлик фазилатини шакллантириш мақсадида ҳар бир мактаб қошида ишлаб чиқариш шаҳобчалари ташкил этилган бўлиб, улар банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга. Хусусан, «Улутбек юлдузлари» кичик корхонаси ҳисобида бугунги кунда 120 минг сум пул бор.


Ижтимоий фанлар интернати яқинда Узбек-Турк лицейи базасида ташкил этилди. Аммо унда оддий ўқувчилар эмас, фақат иқтидорли болалар таълим олишади. Интернат ҳуқуқ, тарих, чет тили, тил ва адабиёт каби ижтимоий

фанларни чуқур ўзлаштиришга мўлжалланган. Бу ерда ўқиш учун ўқувчилар 5-синфдан бошлаб, бутун вилоят мактабларидан тест синовлари асосида танлаб олинади. Бу ерда таълим бериш ишлари энг замонавий усулларда олиб борилади. Интернатда иккита компьютер хонаси, иккита тил ўргатувчи лингофон кабинетлари мавжуд. Утган ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаларида интернат ўқувчиларидан бири шаҳар миқёсида биринчи уринга, вилоят миқёсида эса 6 та ўқувчи совринли уринларга сазовор булишди. Улар республика ижодкор ўқувчилари танловининг ғолиби дея топилди. Ҳозирда интернатда 187 ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар ўқишни тугатгач, тил-адабиёт, чет тили, журналистика, тарих, ҳуқуқшунослик соҳалари буйича олий ўқув юртларига ўқишга киришлари мумкин.

Ҳа, бугунги кунда амалга оширилган ҳар бир иш ёш авлод қобилиятини аниқлаб, уларни ўз йўналишига солиш ва ривожлантиришга қаратилган экан. Қўвча тарихимиз биз яшаб турган заминга ҳам истеъдодлар, илмсеварларга бой. Бу бойликнинг қадрига етишади, бухороликлар!

**А. АБДУРАҲМОНОВ.**

## ГУЛИСТОНДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР



Кичкинтойлар одатда шошқалоқ булишади. Дарс тугаб, танаффуга кунгироқ чалинар-чалинмас бир-бирларига гал бермай ташқарига отилишади. Катталар ҳарчанд койишмасин, йулкалардан югуриб уйин майдончаси ёки булмаса мактаб ошхонаси томон ошиқишади. Ҳаммангиз учун таниш манзара, шундай эмасми?!

Гулистон шаҳридаги Қори Ниезий номли 1-мактабда булсангиз, бу ҳолнинг аксига дуч келасиз. 29 йилдан буён ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган олий тоифали муаллим Шаҳодат опа Ашурбоевнинг касб маҳоратиданми ёки ўқувчиларнинг узлари шунақами, хуллас, дарс тугаб, кунгироқ чалинади ҳамки, улар ташқарига чиқишга шошилиш-

майди. Устозларини саволларга «кумиб ташлашади»:

— Устоз, Амир Темур бобомизнинг болалиги ҳақида гапириб беринг.

— Мен Соҳибқирон бобомга атаб шеър ёздим, ўқиб берайми?..

Сунгра 7 «Б» синфдаги ака-опалари чиқарган буюк болаларимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Турон юлдузлари» номли деворий газетани зур қизиқиш билан томоша қилишади.

Она тили ва адабиёти фани муаллими, 1-тоифали ўқитувчи Манзура Орипованинг дарслари ҳам жуда қизиқарли утади.

— Ҳар бир гапимга диққат

билан қулоқ тутаётган, ҳар бир дарсдан бирор нима олишга интилаётган ўқувчиларимнинг зийрак ва тийрак нигоҳларига боқиб, уларга янада кунроқ нарсаларни ургатгим, чуқурроқ билим бергим келаверади. Дарсликлар билан чегараланиб қол-

май, турли болалар насларидан фойдаланиб, синфдан ташқари ўқишлар уюштираман...

— Мактабимиз кутубхонасига келган янги газета ва журналларни ўқувчиларимизнинг қўлма-қўли қилиб ўқитганликларини кўриб, севишиб кетаман, — дейди мактаб директори Бегбо-

ла ака Жуманов. — Шунинг учун ҳам 1997 йил учун кунроқ нашрларга обуна булиш ниятидамиз. Болаларимиз айниқса «Тонг юлдузи» газетасини севиб ўқишади. Газета обуна баҳосининг қимматлиги боис, ҳар бир синф ўқувчилари уртада пул йиғиб, 3-4 нусха газетача обуна булишяпти. Ҳозиргача мактабимиз буйича обуна курсатгичи 50-60 тага етди.

Ўқувчилари билимдону зукко, мураббийлари талабчан ва фидоий, раҳбарлари заҳматқаш шундай бир мактаб бор Гулистонда!

**СУРАТЛАРДА:** Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги Қори Ниезий номли 1-мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Худойберди  
ЗУЛФИҚОРОВ олган  
суратлар.

### Обуна — 97

Азиз «Тонг юлдузи»ми! Ҳамниша болалигимни эслатиб турувчи сирдош дўстим. Сени кўлимда туттиб дил сўзларимни айттайин.

Бугунги болалар бизнинг усмир ёшимиздаги болалардан катта фарқ қилмоқда. Буни бир тарафдан улар билан бўлган суҳбатлардан сезган бўлсам, иккинчи тарафдан эълон қилинаётган мақолалардан, ёш мухбирларнинг юрак сўзларидан билиб олаётиман. Болалар ҳаётдаги ҳеч бир воқеа-ҳодисага бефарқ эмаслар. Синфдош, мактабдош, юртдош, ҳатто чет эллардаги усмирлар ҳаёти ҳам эътибордан нари эмас. Саҳифаларининг варақлар эканман, ёш мухбирларнинг Президентимизнинг чет эл, Ўзбекистонимиз вилоятларидаги сафарлари, у ерда сўзлаган нутқлари борасида ҳам мулоҳазалар билдириб ёзган мактублари гувоҳи бўлдим. Яқинда бир ҳамкасбим «болаларимиз ўзгараяпти» деган иборани қў-

лади. Қизиқиб сўрадим. У айтган «ўзгараятган болалар» юртбошимизнинг Белгияга қилган ташрифи ҳамда шаҳзода Филиппнинг сўзларини



ўзларича «муҳокама» қилишаётгани экан. Улар Белгия шаҳзодасининг ўзбек халқи шаънига айтган сўзларини фахр билан

ҳам хатлар келиб қолса керак.

Болаликка қайтиб, яна бир гапни айтсам, ўқувчилик даврларимизда энг

«бестанцияси» деб атаётган марказга қатнардим. Буш вақтларимнинг деярли ҳамма қисми шу даргоҳда кечган. Устозларимни кўп саволлар бериб «бе-

нимдек, ўқиш, урганиш, техникага қизиқиш, газета қаҳрамонларига ҳавас қилиб, уларга ухшашга интилиш панд бермади. Мен урта мактабни, олийгоҳни тугаллаб, меҳнат фаолиятимни солиқ қишлоқ хўжалик техникалари бирлашмасида муҳандисликдан бошладим. Янгиердаги қатор транспорт қурилиш ташкилотларида ишладим. Оқолтин туманида ҳоким муовини, вилоят ҳокимлигида булим бошлиғи ва гуруҳ раҳбари бўлдим. Деярли бир йилдан буён Бахт шаҳар ҳокими вазифасида ишламоқдаман.

Дил сўзимнинг охирида ишонч билан айтманки, Ўзбекистонимизнинг ҳамма билимга чанқоқ ўғил-қизлари қатори маънавиятли инсон фарзандлари бўлмиш сирдарёлик ўқувчилар ҳам вақтли матбуот нашрларига бажону дил обуна бўладилар. Чунки улар ўз қадрини яхши билидиган болалардир.

## Сирдарё вилояти, Бахт шаҳри ҳокими Рустам ТўРАЕВ: «ҲАВАСЛАР ҚАНОТ БЕРДИ»

севиб обуна бўладиган нашрларимиздан бири «Тонг юлдузи» эди. Айниқса унда ёритилган техникага қизиқув-

зор» қилган бўлсам ҳам ажабмас. Устозлар эса ҳамма даврларда ҳам меҳрибон, дилқаш, камтарин, меҳнатсеварлик-

Одамнинг ёшлиги ёзга, қарилги эса кишига ухшайди. Агар киши қариганда роҳатда яшашни истаса, уни ёшлигида ҳозирлаши керак. Агар ёшлигида гайрат билан ишласа, қариган чоғида қийинчилик курмайди. Болаларим, шуни яхши билинг, эсингиздан сира ҳам чиқарманг: яхшилик

### Доно бобо ўғити

ёки ёмонлик фақат ёшлиқдан бошланади. Ёшлиқ вақти иккинчи марта яна қайтиб келмайдиган бир неъматдир. Бу неъматнинг қадр-қимматини билмаслик катта хатодир.

бир-бирларига гапиришибди.

Ҳадемай таҳририятга уша, ўз юртлари, юртбошларини билан фахрланувчи ёш мухбирлардан

чи тенгдошларим ҳақидаги мақолалар ёқарди. Уша қаҳрамонларга ушагим келарди. Худди шундай қилдим. Уша даврда «Ёш техниклар

ларича қолаверар, сира ўзгаришмасэкан. Шукрким, мен ҳам ана шунақа инсонлардан илм, таълим олдим.

Юқорида таъкидлага-



давринг ҳам, ҳар бир соҳанинг ҳам уз жонкуярлари булади. Ҳозирсизнинг келажигингиз деб уз ҳаловатидан кечаётган устозларингиз уша жонкуярлиги учун ҳам ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Мана, сизнинг тенгқурингиз Бекзод Бекмуродовни олайлик. Қулидан китоб тушмайди. Қачон қарама, ниманидир ўқийтган, нималарнидир излаётган булади. Шунинг учун ҳам инглиз тилини кундан-кун яхшироқ билиб бораяпти. (У русча, тожикча ҳам ташлаша олади). Аммо унга таълим бе-

масмиди?

Шу уй билан Бекзод таълим олаётган 178-(махсус тиллар) гимназиясига боришга аҳд қилдик. Ҳамма томон ораста, кўркам. Танафусда кучага чиқишган болалар орасида ҳам бошқа мактабларда гувоҳ бўлганимиз каби бемаъни туполонни кўрмадик. Уқувчиларнинг кийинишлари ҳам озода: оқ куйлак, қора костюм-шимда. Буйинларига дил билан галстук тақишган йигитлар, узига ярашган бежирим кийинишган қизлар орасида кузинг қувнайди, киши. Бу ерда бирон ноҳуя ҳаракат қилиб қуйишдан қўрқа бошлайсан ҳам.

## БЕКЗОД ЖОНГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Бугун мактаб-маориф тизимида талайгина муаммолар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Қупинча эса ўқувчилар танқислигига дуч келамиз. Оллоҳга шукрки, ҳар бир

раётанлар, китобга, дарсга бунчалик меҳр уйғотаётганлар кимлар? Агар улар булмаганида ёшгина Бекзоджон куча чангитиб уйнаб юрган, вақтини бекорга утказган бўл-

Ичкарига кириб синфхоналарни кўргач, завқимиз янада онди. Уларни таърифлаб утирмайман. Бу — сир. Ундан воқиф бўлмоқчимиз, келиб узингиз қуриб кетинг. Булмаса, барибир ишонмайсиз, деб қўрқаман.

Хуллас, ҳали ҳеч бир ўқувчи билан учрашмасданок, бу мактаб ҳақида уз хулосаларимизга эга бўлдик. Тобора ошайтган қизиқишимиз эса бизни гимназия директори Дилором Солиева хузурига йўллади. У кишининг айтишларича, илм даргоҳида 1467 ўқувчи таълим олар, 102 нафар малакали устозлар дарс беришар экан. Директорнинг М. Отажонова, К. Романова каби муаллимларга хурмати айниқса катталигини сездик. Ахир уларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли ўқувчилар химия ва инглиз тили дарсларидан республика олимпиадасида биринчилиكنи қўлга киритишди-да. Муаллимларининг сузларига кириб инглиз тилини яхши ушлаштираган Фарҳод Соатов, Темур Бобоев, Настя Авдокина каби ўқувчилар эса Америка Қўшма Штатларида бир йилдан ўқиб кели-

шибди.

Бу ерда ўқиш ҳам болаларнинг ушлаштиришига ва қобилиятига қараб, умумтаълим, махсус ҳамда гимназия синфларида олиб бориладиган экан. Тўғри-да, ахир беш қўл баробар эмаску! Иқтидорли ўқувчини бошқаларга қўшиб вақтини утказишнинг ёки қийналадиган баъзи ўқувчиларни беҳуда мажбурлашнинг нима кераги бор?

сабъ-ҳаракат қилмоқда. Аммо мени бошқа бир нарса уйга толдиради: Нега ҳамма жойда шунақа эмас?

Қайдам, аслида бу савол ҳам ноуринроқдир. Ахир, ҳамма жойнинг уз тоши, уз тарозиси бор. Қардадир имконият етарли булса, қардадир туганоқ буладиган муаммолар тикилиб ётибди. Зеро, боғти-



— Бизнинг ишимизда ота-оналарнинг ҳам кўмаклари катта, — дейди директор опамиз. — Агар улар ёрдам бермаса қийналиб қолсак керак. Дардан кейин болаларга қарай олмаймизку! Қолаверса, уз фарзандининг келажиги учун ота-она биздан-да кўпроқ масъул бўлиши керак эмасми?

Директорнинг бу гапларини 4 «А» синф раҳбари Муқаддас Отажонова ҳам маъқуллади: — Ота-оналар бизга боланинг феъл-атворини урганишимизда ҳам ёрдам беришлари лозим. Шундагина биз ким нимага қолдир эканлигини яхши англаймиз. Имкониятига қараб вазифа берамиз. Қандай муомала қилиш кераклигини тўғри ҳал қиламиз.

Куришиб турибдики, гимназия уз номини оқлаш учун керагича

на узимиз ҳам таъкидлаганимиздек, беш қўл баробар эмас...

Демак, билим олмоқчи бўлган, уз келажигига, уз фарзанди келажигига қайгурган замондош учун бир йул қолади — танлаш. Куринадик, рақобат таълим тизимига ҳам кириб келмоқда. Буни асло едигиздан чиқарманг, акс ҳолда ютқазасиз!

Айтгандай, Бекзоджон энг кўп китоб ўқигани учун махсус нишонга ҳам сазовор бўлибди. Бунақа биринчилик ҳар бир синфда ташкил қилинган экан. Урганишга арзийди-а, нима дейсиз? Ҳар ҳолда бунақа илм масканида ўқийтганлиги учун Бекзоджонга ҳавасим келди.

**РОСТГҲЙ БОЛА.**



## «ЧИПТА СОТУВЧИ БОЛА»

Газетамизнинг шу йил, 13 ноябрь сонида жамоатчи мухбиримиз Наргиза Ёқубованинг «Чипта сотувчи бола» мақоласи эълон қилинган эди. Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги Юсуф Мўминов номли мактабнинг 7-«В» синф ўқувчилари ушбу мақолани синфда ўқиб, муҳокама қилишибди. Қуйида уларнинг таҳририятимизга йўллаган фикр-мулоҳазаларини эълон қилмоқдамиз.

### АВВАЛ БИЛИМ ДАРҚОР

Шавкатжон, сен бизнесмен, фирма директори, машинанг, данғиллама участканг бўлишини орзу қиларкансан. Бу жуда яхши ният. Тўғри, юртимизда бой-бадавлат инсонлар қанча булса шунча яхши. Лекин билимсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини ҳам яхши биласан. Менимча, аввал ўқиш зарур, ишлаш қочмас.

**Сайёра МҲМИНОВА.**

### ДАРСДАН БҲШ ВАҚТДА БАЖАР

Шавкатжон, уз меҳнатинг билан даромад қилиб, уйдагиларга ёрдам бераётганинг яхши. Лекин бу юмушни дарсдан бун вақтларингда бажарсанг, янада тўғрироқ буларди. Мабодо ўқишни ташлаб, пул кетидан қувиб кетган бўлсанг, катта хато қиласан.

**Камола ЖҲРАЕВА.**

### ПУЛ ТОПИБ КЕЛ, ДЕЙИШМАС

Ҳаммамиз ҳам мустақил юртнинг умидли фарзанди, ота-онамизнинг эркасимиз. Ҳеч кимнинг ота-онаси ҳеч қачон «пул топиб кел» деб қисталанг қилмайди. Иложи борича фарзандини оч-наҳор қолдирмай, боқиб-тарбиялайди. Болалар ҳам уз навбатида уларга кўмак беришга интилади. Майли, ёрдам берсин, фақат ўқишни ташлаб эмас. Билимсизлик ҳеч қачон инсонга яхшилик келтирмайди.

**Сайёра ЖҲРАЕВА.**

### СИНФДОШЛАР ҚАЁҚДА?

Маълумки, синфдошлар ўқувчининг энг яқин дустри, ака-ука, қариндош-уругидек яқини ҳисобланади. Шундай экан, улар Шавкатнинг дарсга келмаётгани, нима иш билан шугулланаётгани сабабини суриштиришлари, зарур булса ёрдамларини аямасликлари лозим эди. Ўзбекистоннинг

келажиги, унинг гуллаб-яшнаши, бизнинг билимларни қай даражада эгаллашимизга ҳам бир тарафдан боғлиқ. Шундай экан, ўқиб-урганайлик.

**Муқаддас ҚОДИРОВА.**

### УЙДАГИЛАР БИЛМАСА КЕРАК

Чипта сотувчилик, меҳнат қилиш, албатта дарсдан бун вақтларда бажарилса ёмон эмас. Лекин Шавкатнинг ўқишга бормай, чипта сотувчилик қилиб юрганини уйдагилар билмасликлари ҳам мумкин. Хабарлари булганда уни шундоқ ташлаб қуйишмасди.

**Назира АБДУҲОЛИҚОВА.**

### ТҲТАРАКЛАР ЙҲҚДИР...

Балки Шавкатларнинг мактабида меҳнат қилиб, хунар урганиб, бизнес билан шугулланиб, пул ишлаш мумкин булган тўғрақлар йўқдир. Ҳам савдо-сотик билимини эгаллаб, ҳам пул тошганда нур устига нур буларди.

**Саида СОДИҚОВА.**

## ЎҚУВЧИЛАР МУҲОКАМАСИДА

### БЕШИҚДАН ТО...

«Бешиқдан то тобутгача илм урган», деган нақл бор. Агар Шавкат келажакда яхши яшашни истар экан, унинг танлаган йули мақсадига етишига асос бўлолмайди. Ҳеч булмаганда меҳнат билан билим урганишни бирга қўшиб олиб бориши керак.

**Дилноза ТҲРАБЕКОВА.**

### МАКТАБ БЕФАРҚ ЭМАСДИР

Балки Шавкатжон ўқишни бутунлай ташлаб, чипта сотмаётгандир. Мен мактабда бундайларга устозлар бефарқ қарашларига ишонмайман. Чунки бизнинг билим даргоҳимизда ундай эмас-да.

**Назокат АҚРАМХҲЖАЕВА.**

Таҳририятдан: Аввало бизга мактуб йўллаб, уз фикр-мулоҳазаларини билдирган барча ўқувчиларга, уларни муҳокамага чорлаган устозларга миннатдорчилик билдирамиз. Лекин бир нарсдан таажжубга тушганимизни ҳам изҳор этамиз. У ҳам бўлса нима учун мактуб йўллаган газетхонлар орасида ўғил болалар йўқ? Умид қиламизки, навбатдаги хатларини ўғил болалар йўллайдилар.



## «АЖОЙИБ ТУШ КЎРГАНДИМ»

Хаммаси уша воқеадан бошланганди: тасвирий санъат фани муаллимаси уқувчиларнинг уйга берилган топшириқларини баҳолаб утирарди. Кимгадир «4» баҳо қуйди, яна бир расмни «3»га баҳолади. Уй вазифасини бажармагани учун «2» баҳо олганлари ҳам бўлди. Навбат Темурғолибга келганда, муаллим бироз уйланиб қолди. Унинг чизган расмини қулига олиб, узоқ термулиб турди. Унақасига ҳам, бунақасига ҳам айлангириб курди, лекин бирор маъно уқа олмади. Туғрироғи, миттигина боланинг чизган суратидан жиддийроқ маъно изламаганди ҳам. Шунда расмлари маъносини боланинг узидан суради.

— Яқинда бир ажойиб туш курдим. Чиройли табиат манзаралари, яна алланамаларни, худди унгимдагидек курдим. Ана шуларни чизгандим...

Ушанда Темурғолиб бор йуғи 8 ешли болакай эди. Чизган суратларини муаллимлари қулма-қул қилиб куришгани, бошларини сарак-сарак қилиб алланамалар дейишгани, синф раҳбарининг «Сенда мусаввирликка иштиёқ бор. Келгусида ажойиб рассом буласан», дея ният қилишгани ҳали ҳануз ёдида.

Шундан буён бирор бир байрам, тантана буладиган бўлса, Темурғолибга расм чиздиришадиган бўлишди. Синф деворий газетасининг «бош рассом»га айланди. Қолоқ ва туполончи синфдошлари ҳақида

ҳажвий суратлар чизгани учун пана-пастқамда унинг йулини пойлайдиганлар ҳам булганди...

Ақаси Алпиддиндан расм чишишни урганиб юрган Темурғолиб ака 8-синфни тугатиб, Беньков номидаги республика рассомлик билим юртининг рангтасвир бўлимига уқишга кирди. Билим юртининг 1-босқичида таҳсил олиб юрган пайтлариди «Дусту нодон» номли суратини олиб, юз ҳижолат, тортинчқлик билан «Гунча» журнаliga олиб келади. Жур-



налнинг маъсул котиби Маҳмуд ака Муродов Темурғолиб акани илиқ қарши олди. Чизган суратлари маъкул бўлиб, журналнинг навбатдаги сонларидан бирида чоп этилишини айтди. Темурғолиб ака хонадан юриб эмас, орзулар қанотида учиб чиққанди тўе. Журнал саҳифасида илк бор чизган суратини кўргандаги ҳолатини га-

пирмасак ҳам булади. Кейинчалик «Гулхан», «Мушгум» журналлари саҳифаларида ҳам унинг имзоси остида ҳажвий расмлар кузга ташлана бошлади. Билим юртини битириш арафасида диплом мавзуси қилиб Увайсий лирикасини танлади. «Анор» деб номланган диплом иши билим юрти уқитувчилари, хусусан, академик Ҳамид Сулаймонов томонидан юқори баҳоланганди. Муйқалами орқали танила борган Темурғолиб акани қўлаб нашриётлар ҳамкорликда ишлашга таклиф қила бошлади. «Ёш гвардия» нашриётида 20 дан ортиқ болаларбоп китобларни уз суратлари билан беади. Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Назир Сафаровнинг «Тухсонбой отанинг маталлари», Қуддус Муҳаммадийнинг «Бизнинг боғимиз», Узбек халқ эртаклари, Қудрат Ҳикматнинг «Икки эртак», Ёқубжон Шукуровнинг



«Сехргар табиб», Малик Муродовнинг «Оймомода аждаҳ» каби китоблари шулар жумласидандир. Бу китоблар бир неча бор халқаро кўргазмаларда иштирок этган.

Темурғолиб ака ҳаётда нимагаки эришган бўлса, ҳаммаси учун устозлари, билим юрти муаллимлари — Галина Мордвинцова, Евгений Мельниковлардан миннатдор. Қолаверса, гарчанд қулига муйқалам тутқазиб, расм чишишни ургатишмаган бўлсада, Чингиз Аҳмаров, Тельман Муҳаммедовларни узига устоз билади. Уларнинг монументал, миниатюра, китоб графикаси соҳасидаги мактабларидан сабоқ олди, тинимсиз ижод қилди. «Сайдинг қуябер сайёл», «Лайли ва Мажнун», «Уруш ва тинчлик» каби асарлари узоқ изланишлари маҳсулидир. Яқинда 10 метрли йирик асари — А. Навоийнинг «Хамса» асарини ёзиб тугатиб, Ху-

сайн Бойқарога тортиқ этаётгани акс этирилган суратини яқунлади.

— Инсон ҳаётида ширин сузининг, далданинг муҳимлигига ҳаётимда икки бор амин булганман, — дейди Темурғолиб ака ижодизланишлари, машаққат ва ҳаловатлари ҳақида гапирар экан. — Илк бор суратини «Гунча»га олиб келганимда, Маҳмуд ака ишларимни мақтаб-мақтаб олиб қолгандилар.



Бу эса мен учун келажак ижодимга оқ йўлдек бир гап булганди. Кейинчалик диплом ишим юқори баҳоланганда кунглим кутарилиб, яна янги қанот чиқаргандек булгандим. Ижодкорни урма, сукма, асабини бузиб қуйсанг кифоя. Ижод қила олмамай, изтиробда юраверади, деганларича бор экан...

Темурғолиб аканинг Чингиз, Синдбод, Сардор, Шоҳжаҳон исми турт нафар уғиллари бор. Ажабланарлиси шундаки, улардан ҳеч бирининг ота касби — мусаввирликка иштиёқлари йўқ. Бу ҳақда гап кетгудек бўлса, Темурғолиб ака устозларидан бирининг сузларини хотирлайди: «Ёзувчиликни орзу қилиб юрган ҳаваскорлардан бири Абдулла Қодирийдан, қандай қилиб ёзувчи бўлиш мумкин? деб сураганда, «фақат худо юқтирсагина ёзувчи бўлиш мумкин», — деб жавоб берган экан. Уғилларимдан ҳеч бирига худо юқтирмаган экан, найлож», — деб кулиб қуя қоладилар. Узлари эса қанчадан-қанча бедор тунлари, изтироб ва қувончли кунлари шохиди булган ижодхоналари сари йўналадилар...

**Суратда:** Мусаввир Темурғолиб Жамолиддинов онаси Мамлакат ая Асомиддинова ҳамда жияни Бехруз билан янги тугатган асари ёнида. Қуддус Муҳаммадийнинг «Бизнинг боғимиз» китобига ишлаган суратлари.



## ТОПИШМОҚЛАР

Жонсиз, тинглайди,  
Қулсиз ёзади,  
Тилсиз, сўзлайди.  
(Магнитофон).

Оқ пардага тушса нур,  
Боғлар, тоғлар  
кўринур.

Гоҳида ўйин-қулғу,  
Гоҳида уруш, ур-сур.  
Бу недир, топинг-чи  
сиз.

Унда ҳаёт акс этур.  
(Кинофильм).

Ажиб икки қулоғи бор,  
Бир тинглаб, бир  
сўзлар.  
(Телефон).

Олмасанг ярим нафас,  
Йўлдан утгани қўймас.  
(Бергун).

Тим қора, кичкина хол,  
Йўлда тўхтатар  
дарҳол.  
(Нўқта).

Икки япроқ бир танда,  
Кезар ёзда чаманда.  
(Қапалак).

Қопишмайди  
заводдан,  
Сут, ёғ ишлар ем,  
утдан.  
(Сигир).

Икки қўли қапта,  
Қорнида бор қапта.  
(Кенгуру).  
Зариф ФУЗАЙЛОВ  
тўплаган.  
Шаҳрисабз шаҳри.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва  
саҳифаланди. Оффсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0642.  
7691 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босилиш ва таъриш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
• Манзил: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
• Нашр кўрсаткичи: № 64563  
• Телефон:  
33-44-25